Истиқлол берган имкон

# МУҲТАШАМ БИНОЛАР — ЮРТ КЎРКИ

## Наманган: қурилиш кўлами тобора кенгаймоқда



Пойтахтлик меҳмонлардан бири Наманганни айланиб чиққач:

— Шаҳар қисқа даврда шунчалик ўзгариб кетибдики, кўзимга ишонмай қолдим, — дея ҳайратини яширолмади. — Янги-янги кўп қаватли уйлар, фавворалар, саранжом-саришта кўчалар... Ҳавас қилса арзийди.

Меҳмоннинг бу гапидан дилим ғурурга тўлди. Ахир она шаҳринг ҳақида шундай илиқ фикрлар билдиришгандан кейин қувонмай бўладими?!

Кейинги икки-уч йил мобайнида вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказлари деярли янгиланди. Қурилиш кўлами тобора кенгайиб бораётир.

Маданий-маиший, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларининг сифати алоҳида эътиборда турибди. Биноларнинг ташқи ва ички кўринишида миллийликка алоҳида урғу берилаётир. Замонавий меъморчилик ютуқларидан имконият борича фойдаланилмоқда. Бу борада меъмор ва лойиҳачилар маҳорати ғоятда қўл келяпти. Зотан, пухта ҳисоб-китобсиз, мукаммал лойиҳасиз бирор-бир иншоотни талаб даражасида қуриш мумкин эмас.

Хиёбонлар ташкил этиш, уларни дид билан кўкаламзорлаштириш, бир-бирига уйғунлашган фавворалар қуриш ишлари кучайтирилди. Масалан, Наманган шаҳрида шу кунгача ўттизга яқин фаввора қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бу фавворaларга хизмат кўрсатувчи янги ташкилотни тузиш зарурати туғилди. Эндиликда фавворалар ёзнинг иссиқ кунларида хиёбонларни кўркам, салқин бўлишини таъминлайди. Хиёбонлар магистрал йўл бўйларини ободонлаштириш ва бошқа масалаларнинг ечимини топиш тизимини яратишга қаратилган дастур ишлаб чиқилди.

Амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари сарҳисоби ғоятда қувончли. Ўтган ойлар мобайнида вилоятда 33 миллиард сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўпдир. Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобига 402,1 минг квадрат метр турар жой, 1200 ўринли умумтаълим мактаблари, 5 та янги қурилиш ҳисобидан, 6 та мослаштириш ҳисобидан жами 11 та қишлоқ шифокорлик пунктлари барпо этилиб, 80,6 километр ичимлик суви ва 197,3 километр табиий газ тармоқлари тортилди. Қайта таъмирлаш ҳисобига Наманган шаҳридаги иқтисодиёт ва тадбиркорлик, Чуст туманидаги тиббиёт, Уйчи туманидаги қишлоқ хўжалиги, Учқўрғон туманидаги савдо ва маиший хизмат, янги қурилиш ҳисобига эса 4 та, жами 6200 ўринли коллежлар, 1550 ўринли ётоқхоналари билан қуриб битказилди. Бундан ташқари, 825 ўринли академик лицей 275 ўринли ётоқхонаси билан фойдаланишга топширилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг изчил амалга ошувини таъминлаш вилоят ҳокимлигининг диққат марказида турибди. Бу борада барча ички имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Чуст туманидаги 133 ўринли туғруқхона биноси бир неча йиллардан буён битмай ётарди. Вилоят ҳокими Т.Жабборовнинг ташаббуси билан ана шу бинони Чуст тиббиёт коллежига айлантиришга қарор қилинди. «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Обиджон Ҳусаинов бош бўлган Чустдаги 91-механизациялашган кўчма жамланма жамоаси мазкур бинони жуда қисқа вақт ичида юқори сифат билан мустақилликнинг ўн йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширди.

Бир неча йилдирки, вилоятда республика тендер савдоларини ташкил этиш бўйича бошқарманинг филиали фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳим иншоотлар тендер савдоси орқали ғолиб ташкилотларга берилмоқда, бу ана шундай иншоотларнинг тез, сифатли ва арзон нархларда қуриб битказилишида ғоятда қўл келмоқда.

Вилоятда қурилиш кўламининг кенгаётгани бу соҳада ислоҳотларнинг жадал суръатларда олиб борилаётганини кўрсатади. Биз юқорида таъкидлаб ўтган тендер танловида давлат, хусусий ёки ҳиссадорлик жамияти бўлишдан қатъий назар қатнашмоқда. Тендер ғолиби арзон ва сифатли бино қуриш бўйича шартномага имзо чекдими, ўзи охирига етказади. Шунга яраша моддий манфаат кўради.

Вилоятда ишни ташкил этолмаган ташкилотлардан йигирма олтитаси тугатилди. Иккитаси бошқа ташкилотларга қўшиб юборилди. Қирққа яқини эса мулкчиликнинг бошқа шаклида фаолият кўрсатмоқда. Кам қувватли, норентабел қурилиш ташкилотларини қайта кўриб чиқиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Бу жараён соҳада кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланишига шароит яратаётир. Шу йилнинг ўзида қурилиш соҳасида 459 та хусусий корхонанинг рўйхатга олингани ҳам фикримизга далил бўла олади.

«Ал-Азиз» ҳиссадорлик жамиятининг ташкил топганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ, Анваржон Отабоев етакчи бўлган бу жамият ўзининг ибратли ишлари билан тезда шуҳрат қозонди. Тендер танловида йирик объект — Наманган муҳандислик педагогика институти академик лицейи мажмуасини қуриш ҳуқуқини қўлга киритди. Бир неча ой ичида 1 миллиард 325 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 825 ўринли ўқув корпуси 275 ўринли ётоқхона ва бошқа бинолар қад ростлади. Бу мажмуа Наманган шаҳрининг «Дўстлик» кўчаси кўркига кўрк қўшиб турибди.

Яна бир мисол: Учқўрғон туманида «Сардор» хусусий фирмаси тендер танлови ғолиби сифатида Қайқи қишлоғида касб-ҳунар коллежи биносини жуда қисқа муддат ичида фойдаланишга топшириб, донг қозонди. Тадбиркорлар мўмай даромад эгаси ҳам бўлдилар.

Кейинги икки йил ичида вилоятда 59 та объектда тендер савдолари ўтказилиб, унда жами 178 та ташкилот қатнашди. Шуниси эътиборлики, ана шу ташкилотларнинг 67 фоизи нодавлат қурилиш ташкилотларидир.

Вилоятда қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожлантириш, уларни илғор чет эл жиҳозлари билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Чуст туманидаги «Мармар-Ф» масъулияти чекланган жамияти томонидан Италия ускунасида ишлаб чиқарилаётган травертин, ракушечник каби пардоз материаллари нафақат вилоятимиздаги, балки Тошкент шаҳридаги муҳим объектларда фойдаланилмоқда. Ўзбек миллий академик театри, метрополитен қурилишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Жамолхон Мамажонов етакчилигидаги «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамияти энг муҳим иншоотларни ўз тасаррунига олиб, Шарқ меъморчилиги билан уйғунлашган ҳолда бунёд этишда бошқа турдош корхоналарга ибрат бўлмоқда. Энг муҳими, ҳиссадорлик жамияти ҳар доим иш билан банд. Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди. Агар ўтган йили аҳил жамоа ўз кучи билан 480 миллион 648 минг сўмлик пудрат ишлари бажарган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойида бу рақам 879 миллион 391 минг сўмни ташкил этди.



Вилоятда яна бир ибратли ҳаракатни тилга олиб ўтиш жоиздир. Бозор иқтисодиёти шароитида умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни янги ўқув йилига тайёрлаш борасида бир қатор корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилиш истагини билдирдилар. Уларнинг бу хайрли ташаббуси вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди ва махсус қарор қабул қилинди. Шу йўсинда кўпгина мактаблар биноларига иккинчи умр бахш этилди. Жумладан, Наманган шаҳридаги Ал-Хоразмий номли 7-ўрта мактаб биносини мукаммал таъмирлашга «Наманган-текстиль», «Ўзэлектротерм» ҳиссадорлик жамиятлари ва «Намангантранс» бирлашмалари 20 миллион сўм маблағ сарфладилар. Мактабни битириб, турли ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган собиқ ўқувчилари ташаббуси билан амалга оширилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мустақиллик байрамлари олдидан янги-янги муҳим иншоотлар барпо этиш ва уларни юбилей объектлари деб эълон қилиш анъана тусига кириб қолди. Кўпминг кишилик қурувчилар жамоаси ўзларига билдирилган юксак ишончни амалий фаолиятлари билан оқлаб келишяпти. Шу йўсинда мустақиллик байрамининг ўн йиллиги арафасида вилоятда юзлаб муҳим иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Наманган шаҳрининг Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Хотира хиёбони, Алишер Навоий номли мусиқа драма ва комедия театри, Давлатобод туманидаги болалар соғломлаштириш мажмуи, «Наманган-Андижон» магистрал йўли ва вилоятнинг рамзий дарвозаси, бошқа ўнлаб ана шундай муҳим иншоотлар қурувчилар қўлида сайқал топди.

Муҳташам бинолар юрт кўрки. Улар асрлар давомида халққа хизмат қилади. Наманганлик қурувчилар ўзлари бунёд этган ана шундай иншоотлар билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Чунки улар Уста Мулла Қирғизнинг муносиб ворисларидир. Бир вақтлар Уста Мулла Қирғиз ўзининг шарқона услубда бунёд этган бинолари билан Туркистонда донг таратган эди. Бугун ана шу меъмор номидаги жамғарма ишлаб турибди. Ҳар йили энг муносиб деб топилган иншоотлар ва уларнинг бунёдкорлари жамғарма томонидан рағбатлантириб борилмоқда.

**Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ.**

Республика прокуратурасида

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

## бу муҳим масала юзасидан жойларда қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Республика Бош прокурори ўринбосари П.Бобожонов бошқарган йиғинда кам таъминланган ва болали оилаларнинг ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Унда Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Халқ банки тизимлари, маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари қатнашдилар.

Айтиш лозимки, республика Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми ҳамда 1999 йил 7 декабрдаги «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори талабларининг ижроси юзасидан белгиланган вазифаларни бажаришга доир бир қатор ишлар бажарилган.

Шу билан биргаликда, тегишли вазирликлар, муассасалар ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида мазкур масалаларга доир қонунлар талаблари бузилаяпти. Суиистеъмоллик ҳолатлари аниқланган. Бу давлат сиёсатининг тўлақонлик билан амалга ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2000-2001 йилларда ушбу тоифадаги оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун тайинланган маблағларнинг кам молиялаштирилиши ҳолатлари ва уларнинг сабаблари тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан республика миқёсида ўрганилмаган.

Жойлардаги Халқ банкининг айрим бўлимлари мансабдор шахсларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари ҳам мавжуд. Оқибатда тайинланган моддий ёрдам ҳамда болали оилаларга белгиланган нафақа пуллари банк хазинасида бўлгани ҳолда сабабсиз тарқатилмаган ёки ушбу маблағлар банкдаги фоизсиз ҳисоб-рақамларга ўтказиб юборилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг тўғри ҳисобланиши, мақсадли ишлатилиши ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилганлигига қарамасдан ушбу идоралар томонидан бу борадаги фаолият тегишлича амалга оширилмаган.

Кам таъминланган ва болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратилган маблағларнинг сохта ҳужжатлар тақдим қилиш, тўлов рўйхатларидаги имзоларни қалбакилаштириш ва бошқача суиистеъмолликлар туфайли ўзлаштирилиб, талон-торож қилиниши натижасида ҳам давлат ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларига жиддий зиён етказилишига йўл қўйилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан бурунги йил ва жорий йилнинг ўтган даврида нафақаларни молиялаштириш ва тўлашда жойлардаги молия, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда почта идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган. Оқибатда, бу маблағларнинг ўз вақтида эгаларига етказиб берилиши таъминланмасдан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қонуний манфаатларига путур етказилган. Ҳатто, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси бўлими томонидан қонунбузарлик содир этилган, ўтган йилда «Бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақами»га ҳомийлардан пенсионерлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш учун тушган мурувват ёрдами маблағларидан ҳам ноўрин фойдаланилган.

Қисқаси, мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида ана шу каби камчиликларни тугатиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ижтимоий муҳофазани том маънода адо этиш масаласи атрофлича ўрганиб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТЕРИМ СУРЪАТИ МАНФААТДОРЛИККА БОҒЛИҚ

## мазкур вазифани «Пахта банк» жамоаси таъминламоқда

Мамлакатимизда пахта йиғим-терим мавсуми қизғин давом этмоқда. Айни пайтда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган барчанинг асосий мақсади етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олишга қаратилган. Шу боис мавжуд ишчи кучи, техника, терим учун зарур барча воситалар бу ишга жалб қилинган. Ҳар куни республикамизда йиллик режанинг 1,3-1,5 фоизи миқдорида қимматбаҳо саноат хомашёси тайёрланмоқда. Ҳозиргача деҳқонларимиз томонидан бунёд этилган пахта хирмонлари 3 миллион тоннага яқинлашиб қолди. Хомашё тайёрлаш бўйича кунлик маълумотга назар ташлайдиган бўлсак Андижон вилоятидан кейин Тошкент, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларини кўриш мумкин.

Ҳар доимгидек жорий йилда ҳам терим мавсуми қизғин давом этиб, хўжалик, туман ва вилоятларнинг шартнома режасини бажараётганлигида тармоққа молиявий хизмат кўрсатишга ихтисослашган республика акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Айни пайтда банк ўз ишини жорий йилнинг 13 августида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2001 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилиб, ҳар беш кунда терим иштирокчиларига меҳнат ҳақи бераяпти. Молиявий муассасанинг жойлардаги 180 дан ортиқ бўлимларида ва мини банкларида йиғиштириб олинган хомашё учун пул тарқатилмоқда.

Ажратилган маблағларнинг мавсум қатнашчиларига ўз вақтида етиб боришини ҳам банк ўз назоратига олган. Жойлардаги филиаллар ходимлари хўжаликлар ҳисобчилари ва кассирлари билан бу муҳим ишни амалга оширмоқдалар. Терим бошлангандан бери ҳозиргача пахтакорлар билан етти беш кунлик учун ҳисоб-китоб қилинди. Яъни 53 миллиард сўм атрофида маблағ тарқатилди.

Жорий йилда мамлакатимиз пахтакорлари давлатга 3795,6 минг тонна юқори сифатли хомашё етказиб беришлари керак. Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда далаларда режани қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Айни пайтда ҳар бир килограмм йиғиштириб олинган пахта учун 22 сўмдан, ингичка толали хомашё учун эса 24 сўмдан ҳақ тўланаётгани терим суръатини оширмоқда. Шунингдек, пахтани машинада тераётган механизаторлар ва мавсумда бевосита иштирок этаётган хирмондаги ишчилар ҳамда хомашёни транспортда ташиётган одамларга ҳам бажараётган юмушларига қараб меҳнат ҳақи ҳар беш кунда бериб борилаяпти.

Пахтачиликда ўзига хос мактаб яратиб, ҳар йили республикамизда давлатга пахта сотиш шартнома топшириғини биринчи бўлиб уддалаб келаётган Андижон вилояти пахтакорлари жорий йилда ҳам матонат кўрсатдилар. Топшириқ 14 сентябрдаёқ бажарилди, давлат қабул пунктларига 305 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Вилоят пахтакорлари режага қўшимча яна 50 минг тонна «оқ олтин» топшириб олган мажбуриятларини ҳам бажардилар. Андижонликлар қўлга киритган бу ғалабада, албатта, «Пахта банк»нинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Вилоятдаги терим мавсуми иштирокчиларига ҳозиргача 7,5 миллиард сўм миқдорида нақд пул тарқатилди. Теримчилар ўз вақтида маблағ билан таъминлаб турилганлиги етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш имконини берди.

Асака ва Олтинкўл тумани пахтакорлари мамлакатимиз пахтачилиги тарихида мисли кўрилмаган натижага эришиб, август ойининг охирида режани уддаладилар. Бундай ютуқда ҳам тармоққа молиявий хизмат кўрсатувчи муассаса ходимларининг алоҳида улуши бор. Банкнинг иккала туман бўлимлари август ойидаёқ теримчилар билан ҳар бир килограмм йиғиштириб олинган хомашё учун ҳисоб-китоб қилишга киришдилар. Натижада терим суръати кундан-кунга ўсиб борди. Одамларнинг манфаатдорлиги ошиб, сафарбарлик бир зум ҳам сусаймади.



Фарғона вилоятида йиғим-терим қизғин паллага кирган. Фарғоналиклар жорий йилда шартномага кўра давлат қабул пунктларига 362 минг тонна хомашё топширишлари керак. Айни пайтда вилоятда ҳар куни йиллик режанинг 1,0-1,5 фоизи миқдорида «оқ олтин» тайёрланмоқда. Шу кунгача далалардан йиғиштириб олинган хомашё 305 минг тоннадан ошди. Теримнинг бундай юқори суръатларда давом этаётганлигида табиийки, бу ерда ҳам «Пахта банк» вилоят жамоасининг алоҳида ўрни бор. Ҳозиргача теримчиларга 6,2 миллиард сўмдан зиёд миқдорида пул тарқатилди. Моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилганлиги боис режани уддалаётган хўжаликлар сони кўпайиб бормоқда. Айни пайтгача Олтиариқ тумани топшириқни бажарди. Фарғона, Ёзёвон, Қува туманлари заршунослари ҳам ғалаба рапортига имзо чекиш арафасида туришибди.

Сурхондарё вилояти деҳқонлари ҳам пахта тайёрлаш бўйича олдинги ўринларда бормоқдалар. Сурхондарёликлар жорий йилда давлатга шартнома бўйича 380 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олишган. Айни пайтда ҳар куни далалардан йиллик режанинг 1 фоизидан ортиқ миқдорда хомашё йиғиштириб олинмоқда. Кунлик маълумотларга назар ташласак, вилоятда суръатнинг бир маромда турганлигини кўриш мумкин. Бунга теримчиларга ўз вақтида иш ҳақи берилаётганлиги, моддий манфаатдорлик ошиб бораётганлиги туфайли эришилмоқда. Банкнинг вилоятдаги барча туман бўлимлари бу ишда фаол иштирок этишаяпти. Терим мавсуми бошлангандан бери далада ишлаётганларга ҳозиргача 6,4 миллиард сўм миқдорида нақд пул берилди.

Моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилганлиги боис кўпгина жойларда кунлик суръатда юқори натижаларга эришилмоқда. Бухоро, Хоразм, Наманган, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларини шулар жумласига киритиш мумкин. Мазкур вилоятлар далаларидан ҳар куни йиллик топшириқнинг 1,5-2,3 фоизи миқдорида «оқ олтин» йиғиштириб олинмоқда. Давлат омборларига топширилган хомашёнинг асосий қисми биринчи навларга қабул қилинди. Бу табиийки, хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимиз пахта далаларида ҳозир йиғим-терим мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Далаларда режани қоплайдиган миқдорда пахта бор. Ҳозирги пайтда асосий вазифа ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборат.

* * *

Умуман сув танқис келган жорий йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирилишида «Пахта банк» жамоасининг алоҳида ҳиссаси бор. Уруғликни ерга қадашдан тортиб, хомашё пишиб етулгунгача хўжаликларга республика Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» томонидан берилган аванс маблағлари «Пахта банк» орқали ўз вақтида етказиб берилди. Бу терим мавсумида берилган пуллар билан қўшиб ҳисобланганда 197 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил қилади. Шу билан бирга мулк шаклидан қатъий назар ширкат, ижара ва фермер хўжаликларига ёнилғи, эҳтиёт қисм, техника ва бошқа зарур воситалар сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратилди. Бундай иқтисодий ёрдам ҳам мўл ҳосил етиштирилишида катта имконият яратди.

Хулоса, қилиб айтганда, «Пахта банк» мамлакатимизда етакчи тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигига, хусусан, пахтачилик соҳасига сифатли молиявий хизмат кўрсатиб келмоқда. Буни деҳқонларимизнинг оби ҳаво мураккаб келаётган ўтган йиллардаги қўлга киритилган ютуқларида ҳам кўриш мумкин.



**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: Янгийўл туманидаги М.Улуғбек номли ширкат хўжалигида иш ҳақи тарқатилмоқда; бош пудратчи Алижон Исомов теримчилардан Шаҳноза Асроркулова ва Шоира Усмоновалар билан.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ГЕРМАНИЯНИНГ БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

**3 октябрь куни Германия Федератив Республикасининг миллий байрами — Германия бирдамлиги куни нишонланади. Шу муносабат билан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мартин Ҳеккер оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ўтказди.**

— Кўпчилик икки Германия бирлашган кунни Берлин деворининг қулаши билан боғлайди, — дейди М.Ҳеккер. — Лекин аслида бирлашув 1990 йилнинг 3 октябрь куни рўй берган. Айнан шу куни Ғарб ва Шарқнинг бирлашиши тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекилганди.

Германия бирдамлиги куни миллий байрам сифатида 1991 йилдан буён нишонлаб келинади. Бу йил немис халқи ўн биринчи марта шу санани қаршиламоқда. Тантаналарда немис халқининг азалий қўшнилари бўлмиш Польша ҳамда Франциядан ҳам кўп сонли меҳмонлар иштирок этади.

Матбуот анжуманида Германия элчиси Ўзбекистон-Германия муносабатларига алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг айтишича, Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши кураш бўйича умумдунёвий коалицияга қўшилганини тўла қўллаб-қувватламоқда. М.Ҳеккер икки ўртадаги иқтисодий ҳамкорлик масаласига тўхталар экан, бу борадаги алоқалар ҳам муттасил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

**(ЎзА).**

# ОТАДАЙ УЛУҒ, ОНАДАЙ АЗИЗ...

Пойтахтимиздаги 18-машинасозлик коллежида умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тадбир ўтказилди. Коллеж директори Равшан Жўраев тадбирни очар экан, ҳамкасбларини байрам билан қутлади. Ўн бир нафар меҳнат фахрийси, уста-муҳандис муаллимларга Тошкент шаҳар ҳокимияти касб-ҳунар таълим бошқармасининг фахрий ёрлиқларини топширди. Сўнгра байрам дастурини ўқувчилар давом эттирдилар. Коллежнинг бухгалтерия, тикувчилик, «ЭҲМ» ва бошқа гуруҳлари тайёрлаган рақс ва куй-қўшиқлар даврага кўтаринкилик бахш этди.

— Билим юрти саъй-ҳаракати, вазирликнинг алоҳида эътибори бизни жуда қувонтирди, — дейди устоз-мураббий Маъфура Муҳамедова. — Биласизми, ўқувчининг бир оғиз «Раҳмат, сизга устозлар» каломи бизга маънавий куч бахш этади. Ўзим нафақада бўлсам-да, болалар билан яна ва яна ишлашни жудаям хоҳлайман.

Шуниси диққатга сазоворки, илм даргоҳида жами 24 нафар ўқитувчи: иккита фан номзоди, олти олий тоифали ўқитувчи, беш нафар 1-тоифали ўқитувчи турли мутахассислик бўйича ўқувчиларга дарс ўтмоқда. Улар орасида ўзбек, рус, татар, корейс ва бошқа миллат вакиллари бор. Ана шундай фидойи муаллимлар туфайли жорий йилда ҳисоблаш техникаси ва компьютер тизимидан фойдаланиш, ҳисоб ва молия, автомобиль таъмирлаш ва фойдаланиш технологияси ҳамда тикувчилик технологияси бўйича 42 нафар иқтидорли йигит-қиз имтиёзли диплом олди.

Байрамда ўқувчилар орасида ўтказилган деворий газеталар ва «Экибана» гулдасталар кўрик-танлови ғолибларига эсдалик совғалари берилди. Тадбирда истеъдодли ўқувчи Наима Азизованинг «Устоз-муаллим» шеъри йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Оқил АБДУАЗИМОВ.**

**Низомий номли ТДПУ «Чақириққача ҳарбий таълим факультети» ҳарбий таълим мутахассислигининг 10 йиллиги муносабати билан 2001 йил 10 октябрда илмий услубий конференция ўтказади ва ўтган 10 йил давомида битириб кетган собиқ талабаларни таклиф қилади.**

## Халқ табобати

# ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ

**Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида соғлиқни сақлаш масалалари хусусида тўхталиб, жумладан, пойтахтимизда тўрт мингга яқин хусусий тиббиёт муассасаси, махсус гувоҳномалар асосида 262 нафар шифокор хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланаётганини ижобий мисол тариқасида қайд этди.**

**Зеро, молиявий жиҳатдан ўзини ўзи қоплайдиган, янги иш ўринлари очилишига кўмаклашадиган, энг муҳими, даволаш даражаси юқори бўлган бундай шифо масканларининг одамлар ишончини қозониб бораётгани диққатта моликдир.**

**Дарҳақиқат, халқимиз саломатлигини сақлашда самарали фаолият олиб бораётган хусусий тиббиёт марказлари, шифохоналар, тиббий фирмалар нафақат пойтахтда, балки мамлакатимизнинг турли бурчакларида ҳам мавжуд. Минглаб беморларнинг ихлоси ва раҳматига сазовор бўлиб келаётган ана шундай даргоҳлардан бири Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Эргаш ота» хусусий тиббиёт марказидир. Халқ табобати усулида даволашга асосланган ушбу шифохона бош ҳакими Бердиқул Эргашевга мижозлар ўрганиб қолишган.**

**Биз Бердиқул ҳаким фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида тиббиёт марказига борганимизда, аввало, шу ерда дардига шифо топаётган беморлар фикри билан қизиқдик.**

— Менинг ўт пуфагимда тош тўпланган, — дейди пойтахтдан дардига малҳам излаб келган Насиба опа Тўрахўжаева. — Шифокорлар менга тош ҳажми катта бўлгани сабабли уни фақатгина жарроҳлик операцияси ёрдамида олиб ташлаш кераклигини кўп маротаба айтишган. Мен операцияга рози бўлмай, анча вақтгача қийналиб юрдим. Бу ерда даволаниб кетган қўшнимдан шу марказ ҳақида эшитиб, аввал халқ табобати усулида даволанишга қарор қилдим. Мана, келганимга ўн кун бўлди, докторга раҳмат, ўт қопимдаги тошлар майдаланиб тушяпти. Энг муҳими, бу жараёнда умуман оғриқ сезаётганим йўқ.

— Мени бу ерга олиб келишганда, умуман юролмай қолган эдим, — дейди жиззахлик Роҳила ая. — Бир неча кун даволанганимдан кейин ошқозон оғриғи, танамдаги ортиқча тузлар, ички аъзоларимдаги шамоллаш асоратларидан қутулдим, бировнинг ёрдамисиз юрадиган бўлдим.

— Биз турмуш ўртоғим иккимиз Қашқадарёдан келдик, — дея суҳбатга қўшилди рус миллатига мансуб отахон. — Мени анча йиллардан буён буйрак, жигар ва нафас йўлларидаги оғриқ қийнар эди. Мана шу марказда даволаниб кетган дўстларимнинг маслаҳати билан бу ерга келдим. Адашмабман, қисқа муддат ичида анча ўзимга келиб қолдим.

Мижозларнинг табиб ва марказ ҳақидаги илиқ фикрларини эшитиб бўлгач, Бердиқул Эргашев билан суҳбатлашиш учун бош ҳаким хонасига йўл олдик.

**— Бердиқул ака, табиблик Яратган томонидан инсонга бериладиган қобилият, неъмат, дейишади. Шу маънода, сизнинг ҳам томирингизда табиблик қони оқмоқда. Шундай эмасми?**

— Тўғри. Мен марказдан олис қишлоқда ўсганман. Шундай бўлса-да, болалигимдан шифокор бўлишни орзу қилганман. Бунга, сиз таъкидлагандек, томиримда табиблик қони оқаётгани ҳам сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Чунки катта дадамиз — Эргаш отанинг ҳаким сифатида кўпчилик одамлар дардига малҳам бўлгани ўша даврларда онгимда муҳрланиб қолган ва мен «албатта дўхтир бўламан», деб ният қилганман.

Бу орзуга етишиш мақсадида, ўқувчилик чоғларимдан бошлаб мактабда чуқур билим олишга ҳаракат қилдим. Мактабни олтин медалга тамомлагач, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирдим. Талабалик кезларимда жарроҳлик мутахасислигини ўрганишдан ташқари, Шарқ табобати сирсиноатлари билан танишиб бордим. Кейин эса, бутун фаолиятимни халқ табобатига бағишладим.



**— Шуни айтиш керакки, табиблик қонда бўлгани билан, чуқур таҳсил кўрмасдан табобатнинг нозик томонларини ўқиб-ўрганмасдан «ҳаким», деб ном қозониш мумкин эмас.**

— Мен шу мақсадда, аввал Тошкентда шарқона усулда даволаш бўйича малака оширганман. Кейин эса, халқ табобати жуда ривожланган Хитойда, Пекиндаги Шарқ табобати малака ошириш марказида билимимни чархладим, ўша ерда амалиёт ўтадим.

**— Бугунги кунда сиз, хусусий тиббиёт марказига эгасиз.Мана шу марказ ташкил этилиши ҳақида гапириб берсангиз?**

— Мен буларнинг барчасини истиқлол шарофатидан, деб биламан. Мана шу тиббиёт марказига айнан истиқлолнинг дастлабки йилларида тамал тоши қўйилган. Дастлаб, 1992 йилдан то 1998 йилга қадар, «Эргаш ота» хусусий тиббий фирмаси сифатида фаолият юритганмиз. Кейин эса, Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 10 ноябридаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурида»ги фармонидан келиб чиқиб фирма фаолиятини кенгайтиришга бел боғладик. 1999 йилдан бошлаб «Эргаш ота» хусусий тиббиёт маркази сифатида, имкон қадар халққа хизмат қилиб келмоқдамиз.

**— Бердиқул ака, марказга асосан қайси хасталикларга чалинган мижозлар мурожаат этмоқда. Уларга ташхис қўйиш ва даволаш усуллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?**

— Тиббиёт марказида, асосан, операцияга муҳтож бўлган ички касалликлар билан оғриган мижозлар даволанмоқда. Амбулатория жарроҳлиги, генекологик хасталиклар ва ички касалликлар шулар жумласидандир.

Ташхис қўйиш масаласига келсак, асосан табобатдаги анъанавий усул — қон томирини ушлаб кўриш, кўз, тирноқ ости томирларига ва беморнинг ташқи кўринишига қараб, касалликни аниқлаймиз. Шунингдек, замонавий тиббий услубда ҳам ташхис қўйилади. Даволаш эса, асосан шарқона услубда — гиёҳлар, ноёб малҳамлар, шарбатлар ва бошқа безарар омиллар ёрдамида олиб борилади. Бу ишларнинг барчасини, айниқса беморларимизда бўладиган ўзгаришларни малакали шифокор ва ҳамширалар эртаю кеч назорат қилиб туради. Мижозларимизга қулайлик яратиш мақсадида, уларни санитария-гигиена жиҳатидан барча шарт-шароитларга эга бўлган хоналарга жойлаштирамиз.

**— Марказда даволаш усули Шарқ табобатига асосланган экан, мижозлар дардига даво бўлаётган дори-дармонлар қаердан олинади?**

— Дори-дармонларни асосан, халқ табобатига таянган ҳолда, табиий неъматлардан ўзимиз тайёрлаймиз. Шифобахш гиёҳларни табиатдан оламиз. Бизнинг минтақада топилмайдиган айрим ноёб ўт ва малҳамларни Сингапур, Испания, Греция каби хорижий мамлакатлардан келтирамиз.

**— Марказда чет эл фуқаролари ҳам даволанадими?**

— Йўқ. Бироқ, фаолиятимиз доирасини янада кенгайтириш мақсадида, барча талабларга жавоб берадиган даволаш биносини қуриб битказганимиздан сўнг, шартнома асосида хорижлик фуқароларни ҳам қабул қилишимиз мумкин бўлади. Ҳозирча эса, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган мижозларимизни даволаш билан чекланяпмиз. Зеро, асл мақсадимиз она халқимиз саломатлигини сақлашдир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**
**суҳбатлашди.**

# ТИЛЛАГА ТОПИЛМАС ҚЎШНИЛАР

## Ён дафтар қатидаги ёзувлар

Йўл бўйидаги чинорларнинг кесилаётганини кўрган ўғлим деди:

— Бир ҳисобда яхши бўлибди. Қинғир-қийшиқ ўсиб, йўлга ётиб қолаёзган эди.

— Кўряпсанми, болам, тўғри ўсганларини қолдиришаяпти, — дедим мен. — Ҳаёт қонуни бешафқат. Тўғри юриб, тўғри турсанг, тўғри ўссанг, бевақт хазон бўлмайсан.

* * *

Хандонпистанинг оғзи очиқлари оғзи юмуқларига қараганда олдинроқ емишга айланади.

* * *

— Келинингизни еру кўкка ишонмайсиз. Она қизим, асал қизим, дея бошингизга кўтарасиз, тинчликми, аяси?

— Қайнонам мениям худди шундай эъзозлар эдида, дадаси, — ғурур-ла жавоб қилади аёл.

* * *

— Набира деганлари шунчалар ширин эканми-а?

— Нимасини айтасиз. Меваниям уламаси мазали бўлади, ўргилай.

* * *

— Қосим савдогарнинг хотинини кўрдингизми, дадаси. Устида лама пальто, оёғида итальян этиги, бошида сувсар телпак. Қўлларидаги узукларни, қулоқларидаги сирғаларни айтинг. Бармоқ букиб чарчайсиз.

— Эри фалокатга учраб, бир этак боласи билан чирқираб қолган Ҳаким тракторчининг хотининиям бир кўриб қўй. Уйи ана йиқиламан, мана йиқиламан деб ҳилвираб турибди. Ўзи емай болаларига едираяпти, киймай кийдираяпти. Аммо бевабечора бўлсаям, кўнгли пошшо бўлиб яшаяпти, — хотинини инсофга чақиради эр.

* * *

Мол-дунёси кўплигидан Эсонбойвачча деб ном чиқарган қўшни қишлоқлик танишимиз туйқусдан вафот этди. Дуои фотиҳага бордик. Ҳамроҳим салкам йигирма хонали қўш қаватли, қўш болохонали уйини, ҳовли ўртасидаги мармар ҳовузни, қип-қизил гиламлар кўзни олгудай бўлиб турган бағри кенг айвонларни кўриб ҳайратланди.

— Эссиз, — деди у, — шунча мол-дунё, шоҳона ҳаёт насиб қилмабди-я.

— Чекланган умрга чекланмаган бойлик камданкам инсонга насиб этади, — шивирлади лабларим.

* * *

Уй сотиб олмоқчи бўлган киши бинонинг нархини эшитгач, унинг эгасига деди:

— Жуда қиммат-ку, биродар?

— Уйимнинг арзонлигини яхши биламан. Лекин қўшниларим тиллога топилмайдиган бебаҳо одамлар. Ўшаларнинг ҳисобига бинони тенг баробар қимматга сотмоқчиман.

**Одилжон**
**ШОДМОНАЛИЕВ.**


## ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, “УСТОЗ” РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

**2001-2002 ўқув йили учун**
**“ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ”**
**республика танловини ўтказди.**
**ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:**

**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасаларидан тақдим этилган қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар танловда ғолиб деб эътироф этилди.**

**Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича танловда қатнашган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан:**

**1-ўрин** — Л.Жўраев, С.Хан, Р.Зирянова, Ў.Хошимов, Ҳ.Ғаниева, Л.Камалова, Ш.Эрназарова, Т.Турсунова. FlyHigh, 5-синф учун инглиз тилидан дарслик, 2 та қисм, Т., “Ўқитувчи”, 2000 йил.

**2-ўрин** — Ҳ. Неъматов, А.Ғуломов, М.Қодиров, М.Абдураимова. Она тили, 6-синф учун дарслик, Т., “Ўқитувчи”, 2000 йил.

**3-ўрин** — В.М.Кожуховская, Р.Ф.Исангулова, В.М.Несговорова. Путешествие в мир слов, 1-2 часть, Т., “Ўзбекистон”, 2000 год.

**Математика ва табиий фанлар блокидан танловда иштирок этган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан:**

**1-ўрин** — О. Мўминов, П. Баратов, М. Маматқулов, Р.Раҳимбеков. Ўзбекистон табиий географияси, 7-синф учун ўқув қўлланма, Т., “Ўқитувчи”, 2000 йил.

**2-ўрин** — Н. Шаҳмаев, Д.Шодиев. Физика, 6-синф учун ўқув қўлланма, Т., “Ўқитувчи”, 1999 йил.

**3-ўрин** — А. Григорянс, Атрофимиздаги олам, 2-синф учун дарслик, 3-нашр, Т., “Чўлпон”, 2000 йил.

**Қуйидаги дарслик рағбатлантирувчи пул мукофоти билан тақдирланади:**

1. И.П.Варфоломеев, Н.М.Миркурбанов, Н.А.Чекулина. «Литература», учебник-хрестоматия для 8-класса, в 2-х частях, Т., «Узбекистан», 2001 год.
2. Б.Қутлимуратов. Қорақалпоқ тили, 2-синф учун дарслик, 3-нашр, Нукус, “Билим”, 2001 йил.

***Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа соҳа вазирликлари тасарруфидаги ўқув муассасаларидан тақдим этилган қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар танловда ғолиб деб топилди.***

**Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларидан:**

**1-ўрин** — А.Зунунов, М. Хайруллаев, Б. Тухлиев, Н.Хотамов. Педагогика тарихи, дарслик, Т., “Шарқ”, 2000 йил.

**2-ўрин** — Н. Ражабов. Ўзбек тили ва адабиёти, дарслик, 2 та қисм, Самарқанд, 2000 йил.

**3-ўрин** — Есемурат Бердимурат улы. Ҳозирги қорақалпоқ тили. Лексикология, дарслик, 2-нашр, Нукус, “Билим”, 1994 йил.

**Математика ва табиий фанлар блоки бўйича республика танловида иштирок этган дарслик ва ўқув адабиётларидан:**

**1-ўрин** — Ҳ.Рустамов. Физик кимё, дарслик, Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил.

**2-ўрин** — М.Ўлмасова, Ж.Камолов, Т.Лутфуллаев. Физика, ўқув қўлланма, Т., “Ўқитувчи”, 1997 йил.

**3-ўрин** — А.Саъдуллаев, Ҳ.Мансуров, Г.Худойберганов, А.Ворисов, Р.Ғуломов. Математик анализ курсидан мисол ва масалалар тўплами, 3 қисмдан иборат ўқув қўлланма, Т., “Ўзбекистон”, 1993 йил.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича танловга тақдим этилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:**

**1-ўрин** — Ҳ.Отабоева, З.Умаров, Ҳ.Бўриев, С.Дўстмуродова, Ғ.Қурбонов, А.Алимов, Ғ.Раҳимов, И.Массино, О.Қодирхўжаев. Ўсимликшунослик, дарслик, Т., “Меҳнат”, 2000 йил.

**2-ўрин** — Ҳ.Э.Ғойипов. Меҳнат муҳофазаси, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма, Т., “Меҳнат”, 2000 йил.

**3-ўрин** — Н.Р.Юсупбеков, Х.С.Нурмуҳаммедов, П.Р.Исматуллаев, С.Г.Зокиров, У.В.Маннонов. Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш, ўқув қўлланма, Т., ТКТИ, 2000 йил.

**Мутахассислик фанлари блоки бўйича танловда иштирок этган дарслик ва ўқув адабиётларидан:**

**1-ўрин** — Ҳ.Х.Холматов, Ў.А.Аҳмедов. Фармакогнозия, дарслик, Т., “Ибн Сино”, 1995 йил.

**2-ўрин** — Р.Ж.Тожиев. Қурилиш машиналари, дарслик, Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил.

**3-ўрин** — А.Аминов, Н.Ёдгоров, Ҳ.Толипов. Бурғилаш эритмалари, дарслик, Т., ТДТУ, 1996 йил.

***Қуйидаги дарслик ва ўқув адабиётлари муаллифлари рағбатлантирувчи пул мукофотлари билан тақдирланадилар.***

1. М.Асқаров, О.Ёриев, Н.Ёдгоров. Полимерлар физикаси ва химияси, дарслик, Т., “Ўқитувчи”, 1993 йил.
2. М.Шарифхўжаев, Й. Абдуллаев, Ригмар Остеркамп, В.Ким, Д.Аҳмедов, Д.Ғозибеков, Қ.Яхёев, Ш.Абдуллаева, Д.Расулев, Х.Хўжақулов, Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти, дарслик, Т., “Ўқитувчи”, 2000 йил.
3. О.Қудратов. Саноат экологияси, ўқув қўлланма, Т., ТТЕСИ, 1999 йил.
4. Ф.Б.Бадалов, Г.Шодмонов. Математик моделлар ва муҳандислик масалаларини сонли ечиш усуллари, дарслик, Т., “Фан”, 2000 йил.
5. Б.С.Мусаев. Агрокимё, дарслик, Т., “Шарқ”, 2001 йил.
6. Н.Х.Авлиёқулов. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари, ўқув қўлланма, Бухоро, “Муаллиф”, 2001 йил.
7. Б.Бойметов. Портрет қалам тасвири, ўқув қўлланма, Т., ТДПУ, 2001 йил.
8. А.Зикиряев, П.Мирҳамидова. Ўсимликлар биокимёсидан амалий машғулотлар, ўқув қўлланма, Т., “Меҳнат”, 2001 йил.
9. А.Шакаламов. Патентоведение, учебное пособие, Т., ТГТУ, 2001 год.

4855



## “Let’s study in Japan!”

JAPAN
Official Development Assistance

## Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) Program (2002-2003)

**Ministry of Higher and Secondary Specialized Education with the Collaboration of Embassy of Japan, Japan International Cooperation Agency (JICA) and Japan International Cooperation Center (JICE), offers the scholarship under Japanese Grant Aid program (JDS) to the young people in Uzbekistan in order to provide opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions’ Master course.**

**The objective of this program is to support the Government of Uzbekistan in its efforts to facilitate its own plans for human resource development mainly for capacity building and institutional building, specifically for transition to market economy. And thereby extend and enhance the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.**

**The JDS Program targets young government officers, researchers, business people and others with the potential to play leadership roles in their specialties after their return to Uzbekistan as well as to become leaders of Uzbekistan in the 21st century.**

**1. Qualification and Requirements for Applicants**

(1) Nationality: Applicants must be citizens of Uzbekistan
(2) Age: Between the age of 22 and 35 years old (as of September 1, 2002)
(3) Number to be dispatched: at most twenty persons
(4) Academic background: Higher Education graduates (or those who will complete to get credits necessary for their graduation from auniversity or an institute by the beginning of June 2002)
(5) Study field: 1. Law 2. Public Administration 3. Economics 4. Business Administration 5. International Relations 6. Information Technology
(6) Other background:
1. All candidates are required to have more than 2-years workexperience on specialty, recorded in Work-book
2. For those who are applying for the field of Law, it is necessary to have fundamental knowledge of Laws and adegree of Bachelor in Law.
3. For those who are applying for the field of Business Administration, more than 3years of related workexperiences are required.

*Consequently, applicants who graduated with excellent academic records in each subject are preferable. Especially, as for Information Technology (Telecommunications), high-level knowledge of related fields are strongly needed. Background such as “Computer Systems and NetworkEngineering”, “Multimedia Science and Arts” or “Info-telecom Socio-Economics, Networkbusiness and Policy” is necessary.

(7) English and Japanese Proficiency Level for Master’s course in Japan: As for the language level, it depends on each field of each university and it is different.For details, refer to the list of universities which is attached to the Application Form.
(8) Language of Master’s degree: English and/or Japanese
(9) No applicants who are currently receiving (or is scheduled to receive) another scholarship shall be eligible for selection as astudent.

**2. Tentative Schedule of JDS Program**

(1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2002 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)
(2) Time for leaving for Japan: around the end of June 2002

**3. Application procedure**

Applicants should submit the JDS’s “Application Form” accompanied with necessary documents (e.g. academic record and graduation certificate of your university). The Application Form will be available at the places below from Today.

1. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon.to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, SadykAzimov St., Tashkent
   - Tell its receptionist your purpose of visit there
2. JICA Uzbekistan Office
   - Mon.to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
   - Tell its receptionist your purpose of visit there
3. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
   - Tell its receptionist your purpose of visit there
4. JICE Uzbekistan JDS Project Office (International Banking and Finance Center)
   - Mon.to Fri., 9:30 to 12:00 and 14:00 to 18:00
   - 1, Turab TulaSt., Tashkent
   - Tell its receptionist your purpose of visit there
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon.to Fri., 15:00 to 17:00
   - 5, MustakillikSt., Tashkent
   - Tell its receptionist your purpose of visit there

From 24th September,

6. Andijan State University
7. BukharaState University
8. Gulistan State University
9. Jizzah Politechnical Institute
10. KarakalpakState University
11. Karshi State University
12. Namangan State University
13. Samarkand State University
14. Samarkand Cooperative Institute
15. Termiz State University
16. FerganaPolitechnical University
17. Navoiy State Mining Institute
18. Urgench State University under the name of Al-Khorazmiy
19. Ministry of Foreign Economic Relations of the Republic of Karakalpakistan.- Guzari 86, DuslikSt.,Nukus city
20. MFER of Andijan Region.- A.Navoi-126 St., Andijan City
21. MFER of BukharaRegion.- 1, Muminova-1 St., BukharaCity
22. MFER of DjizakRegion.- S.Rashidov-63St., DjizakCity
23. MFER of KashkadaryaRegion.- Mustakillik2 St,.Karshi City
24. MFER of Namangan Region.- B.Mashraba3St., Namangan City
25. MFER of Navoi Region.- Khalkar Dustligi-77 St., Navoi City
26. MFER of Samarkand Region.- KukSaroy 1 St., Samarkand City
27. MFER of SurkhandaryaRegion.- F.Khodjaeval 7aSt., Termez City
28. MFER of SirdaryaRegion.- AlleyaGeroev 1 St., Gulistan City
29. MFER of FerganaRegion.- Al-Fargoniy-53St., FerganaCity
30. MFER of Khorezm Region.- Istiklol-55aSt., Urgench City

**4. Application deadline ; at 17:00 on 9th November 2001**

Applications must be received by JICE JDS Project office in Tashkent ONLY
1) JICE Uzbekistan JDS Project Office (International Banking and Finance Center)
   - Mon.to Fri., 9:30 to 12:00 and 14:00 to 18:00
   - 1, Turab TulaSt., Tashkent
   Tell its receptionist your purpose of visit there
2) P.O.Box345, Amir Temur st., 2, Tashkent, Uzbekistan 700000 (Central Post Office)
Applications received after the deadline will NOT be considered.

**5. For more information, you can access to Internet, the following Website. From 17th September until 15:00 of 9th November 2001**

JDS Homepage – http://www.jice.org/english/
JICA’s Homepage – http://www.jice.uz

Reference Telephone *(Monday to Friday, 14:00 to 17:00 until 9th November 2001)*
139-1691 (Ministry of Higher and Secondary Specialized Education)
139-1567 (JICE Uzbekistan Project Office)
*(We may not answer the details of scholarship itself, the selection criteria and so on.)*

4815

**Жаҳон цивилизациясини ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ бобокалонларимиз ҳаёти ва фаолияти, улар қолдирган буюк мерос дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сингари Франциянинг кенг жамоатчилиги, илмий ва маданий муассасалари томонидан ҳам ҳар томонлама ўрганилиб келинмоқда.**

## Буюк алломамиз меросига бағишланди

Яқинда Париж Департаментининг Боминги шаҳридаги "Авиценна" шифохоналаридан бирида очиқ илмий конференция бўлиб ўтди. "Авиценна изларидан" деб номлаган ушбу анжуман Абу Али ибн Сининг ҳаёти ва ижоди, унинг дунё илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан боғлиқ масалаларга бағишланди.

Конференцияда "Авиценна" шифохонаси директори жаноб Мишел Били сўзга чиқиб, ўзи раҳбарлик қилаётган шифо маскани Ўзбекистон заминида туғилган улуғ Шарқ алломасининг муборак номи билан аталишидан беҳад ғурурланишини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда шарқшунос олим, профессор Жан- Жак Руссэ Ибн Синонинг ёшлиги, сўнгра у Бухоро, Хива, Ҳамадонда яшаган чоғлари битган асарлар, хусусан, "Китаб ал-Канон фит-тибб" ва "Китаб ал-Шифа" ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб шифокор-олимлари томонидан ўрганиб келинаётганлигини қайд этди.

Шунингдек, "Авиценна" шифохонасининг Ватанимизда бўлиб қайтган бир гуруҳ вакиллари она юртимизда орттирган илиқ таассуротларини конференция иштирокчилари билан ўртоқлашар экан, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарлардаги бетакрор тарихий обидалар акс этган диапозитивларни намойиш этишди.

**«Жаҳон» АА.**

*Таэквандо-ITF*

# КИМНИНГ ЗЎРЛИГИ ТАТАМИДА БИЛИНАДИ



Ўтган асрнинг ўрталарида Кореяда асос солинган таэквандонинг ITF йўналиши Ўзбекистонда ҳам кенг ривожланмоқда. Ҳозирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда шу турдаги федерациялар ташкил этилган. Таэквандо миллий ассоциациясига аъзо бўлиб кирган кўплаб клуб ва марказларда республика бўйича 50 мингга яқин ёшлар мазкур спорт тури билан дўст тутинишган. Уларга малакали мураббийлар сабоқ беришади. Халқаро майдонларда қўлга киритилаётган натижалар ҳам шунга яраша. Хусусан, яқинда Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатидан таэквандочиларимиз шода-шода медаллар билан қайтишди.

Бундан фарқли ўлароқ, эндиликда мамлакат биринчиликлари, турли даражадаги турнирлар ҳам юксак савияда ташкил этилаётир. Айниқса, кўплаб мусобақаларнинг вилоятларда уюштирилаётгани таэквандонинг жойлардаги ривожида, маҳаллий ёшларнинг спортга янада яқинлашишида, ҳар томонлама соғлом ўсишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳмуд Мадаминов бошчилигида ассоциация мутасаддилари — Пўлат Усмонов, Шомурод Шофайзиев, Миродил Мирзахоновдек жонкуяр инсонларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки 500 дан 1000 нафарга яқин ёшлар қатнашадиган беллашувларни ташкил этиш ва юксак савияда ўтказишнинг ўзи бўлмайди.

Самарқанд шаҳрида ниҳоясига етган навбатдаги мусобақада кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилди, десак муболаға бўлмайди. 13-14-15-16 ёшдаги ўғил-қизлар иштирокидаги кескин беллашувларда Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Жиззах вилоятлари спортчилари юқори натижаларга эришдилар. Ғолибларга олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда дипломлар топширилди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, ушбу мусобақа ташаббускори, Самарқанд вилояти таэквандо федерацияси ижрочи директори, 4-Дан қора белбоғ соҳиби, халқаро тоифадаги ҳакам Алан Муллаев билан суҳбатлашдик.

— Вилоятимизда таэквандога қизиқиш жуда кучли, — деди у. — Бугун 7 мингдан ошиқ киши ана шу спорт тури билан машғул. Уларга 25 нафар мураббий-инструкторлар таэквандо сирларини ўргатишаяпти. Мақсад битта: мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қиладиган чемпионларни етиштириб чиқариш. Ва шунинг баробарида қатъий фикри шаклланиб улгурмаган ёшларни турли кўчаларга кириб кетмасдан олдин спорт сеҳрли оламига етаклаб кириш дастурий режамизнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам клубларимиз қошида маънавият ва маърифат хоналари ташкил этаётирмиз. Бу борада, албатта, ҳомийларимиз яқиндан ёрдам беришаяпти. Бугунги чемпионат ҳам "Самарқандавтогаз" корхонасининг кўмаги билан уюштирилди. Муҳими, ёшларимизнинг интилиши кучли. Баҳодир Рафиқов, Шаҳло Сатторова сингари шогирдларимиз ана шу интилиш туфайли Польша, Россияда бўлиб ўтган мусобақалардан ғолиб бўлиб қайтишди. Эндиликда эса Аргентинада ўтказиладиган жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Ёки булунғурлик Қудрат Бақоевни олинг. 1985 йилда туғилган бу ўсмир ногирон бўлишига қарамай беш йилдан бери устози Энвер Умиров қўлида машғулотларга қатнайди. Натижалари жуда яхши. Спорт иродани тоблайди, деб шунга айтсалар керакда.

— Миллий ассоциациямизнинг таэквандони жойларда ҳам кенг ривожлантиришга аҳамият бераётгани эътиборга молик, — гурунгимизга қўшилди Бухоро вилоят федерацияси раҳбари,4-Дан қора белбоғ соҳиби Убайди Мукаррамов. — Ана шу эътибор натижаси ўлароқ 5 та туманимизда таэквандо марказлари очилди. Академик лицей ва коллежлар, ўрта мактаблар қошида кўплаб тўгараклар фаолият кўрсатаяпти. Уларда шуғулланувчиларнинг сони 3,5 мингдан ошиб кетди. Бухоролик спортчиларнинг халқаро майдондаги ғалабалари бошқа ёшларни ҳам таэквандога жалб этишда муҳим омил бўлимоқда. Жумладан, Ирода Раҳимованинг ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритиши, Эркин Наврўзовнинг Европа кубоги соҳиби бўлганини ана шундай ютуқларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Хуллас, Самарқандда ўтказилган чемпионатдан зўр таассурот билан қайтдик. Татамига бел боғлаб чиққан юзлаб ўғил-қизларнинг ғалабага бўлган иштиёқи, интилиши зўрлигидан қувонмай бўладими ахир.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКМАН
*(фахрия)*

*Менким ўзбекман, ўзибекман,*
*Нафақат ўзи, сўзи бекман.*
*Наинки қадами, изи бекман,*
*Халқман Ҳақ назарига тушган.*

*Менким Алишер Навоий,*
*Амир Темур юртга фидоий,*
*Яссавий, Термизий, Бухорий,*
*Наслим набийларга тутшган.*

*Менким Абдулла Қодирий, Чўлпон,*
*Усмон Носир ва минглаб ўғлон.*
*Юрт эрки деб фидо қилган жон,*
*Сўнгги нафасгача курашган.*

*Менким эркини қўлга олиб,*
*Буюклик сари йўлни солиб,*
*Аждодларга содиқ қолиб,*
*Қувончидан сизга улашган*
*Ўзбекман.*

**Аюбхон МУҲАММАДИЕВ.**


Ўзбекистон йирик ва универсал банкларидан бири

ДАВЛАТ - ТИЖОРАТ

# «ХАЛҚ БАНКИ»

30 ёшгача бўлган ташаббускор ёшларни банкнинг молия менежменти, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш, қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш, казначейлик, маркетинг, аудит, юридик ва ташқи иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича танлов асосида истиқболли ишга

**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

***Танловда қатнашадиган номзодларга қўйиладиган шартлар:***
- *олий иқтисодий (банк-молия) мутахассислиги бўйича маълумот;*
- *инглиз (ёки бошқа хорижий) тилини билиши;*
- *компьютерда ишлаш (Windows, Microsoft & Excel);*
- *банк соҳаси ёки инвестицион компаниялардаги меҳнат стажи;*
- *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда қайд этилганлиги тўғрисида маълумот.*

**ТАНЛОВ ЧЕГАРАЛАНГАН**

**Резюмеларни тақдим этиш муддати — эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида.**

Тўлиқ маълумот қуйидаги манзилга тақдим этилади:
**700096, Тошкент ш.,**
**Қатортол кўчаси, 46-уй.**
**Тел.: 173-69-15, 173-69-16,**
**Факс: 173-86-88.**

4848



«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2915, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6



# "ЛОК КОЛОР СИНТЕЗ"
**ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

**ўзи ишлаб чиқарган кенг ассортиментдаги тикувчилик маҳсулотларини таклиф этади.**



**МАХСУС КИЙИМЛАР**
- ✓ енги узун эркаклар иш костюми;
- ✓ енги калта эркаклар иш костюми;
- ✓ эркаклар ярим комбинезони;
- ✓ аёллар ярим комбинезони;
- ✓ аёллар иш бермудалари;
- ✓ аёллар иш фартуклари;
- ✓ эркаклар иссиқ иш курткалари;
- ✓ йўл хизмати ходимлари жилети;
- ✓ аёллар тиббий халати;
- ✓ эркаклар тиббий халати;
- ✓ аёллар иш халати;
- ✓ эркаклар иш халати;
- ✓ ошпазлар курткаси;
- ✓ ошпазлар бош кийими;
- ✓ ички кийимлар;
- ✓ қўлқоплар

*ҳамда мижозларнинг буюртмаларига кўра, бошқа махсус кийимлар тикиб берилади.*



*Ҳар хил рангли ва ўлчамли*

**КЎРПА-ЁСТИҚ БУЮМЛАРИ**
- ✓ кўрпа жилдлари;
- ✓ чойшаблар;
- ✓ ёстиқ жилдлари.

*Тўловлар — пул ўтказиш йўли билан.*

**ШУНИНГДЕК,**
- ✓ дастурхонлар;
- ✓ дастурхон + 6та ип газламали салфетка;
- ✓ ип газламали салфеткалар;
- ✓ 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.

Телефонлар: 191-47-41, 191-80-94, факс: 191-74-63.

4761








*Эълон!*

# ХУРМАТЛИ ЁШЛАР,

**сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги**

## «БИЗНЕС МАРКАЗИ»

*пуллик курсларига ўқишга таклиф қилади. Бизнинг курсларимизда дарсларни университетимизнинг малакали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Машғулотлар куннинг II-ярмида 15.00дан 18.00гача ўтказилади, яъни сизда куннинг I-ярмида ишлаш имкони бўлади.*

**Сизни қуйидаги курсларга таклиф қиламиз:**
- ***олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрловчи курс, ўқиш муддати — 9 ой;***
- ***инглиз тили курси, ўқиш муддати — 3 ой;***
- ***компьютер курси, ўқиш муддати — 2 ой;***
- ***ўзбек тили курси, ўқиш муддати — 2 ой;***
- ***лотин ёзуви курси, ўқиш муддати — 2 ой.***



✓ *Машғулотлар 2001 йил 10 октябрдан бошланади.*
✓ *Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

*Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-55-68, 55-50-77.*

*Манзил: Низомий номидаги ТДПУ, асосий бино, «БИЗНЕС МАРКАЗИ» бўлими, 1-25 хона.*

4858



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

# ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантурага**
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:**
13.00.01 — *педагогика назарияси ва тарихи;*
13.00.08 — *касб-ҳунар таълими назарияси ва усулияти.*

**Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун:**
13.00.08 — *Касб-ҳунар таълими назарияси ва усулияти.*

**Ҳужжатлар 2001 йил 1 ноябргача қабул қилинади.**

*Керакли ҳужжатлар:*
- институт ректори номига ариза;
- шахсий варақа;
- таржимаи ҳол;
- иш жойидан тавсифнома;
- ихтисослик бўйича реферат;
- диплом ва баҳолардан нусха;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати;
- аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки давлат аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма (аграр олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса);
- 4 дона фотосурат (3х4), конверт, тез тикгич.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Пушкин к., 7-уй, 7-қават, аспирантура бўлими. Телефонлар: 136-22-12, 136-23-27.**

4657


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Минҳожиддин Ходжиматовга онаси
**ЭРГАШХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Наримон Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси
**Сабоҳат АБДУРАҲМОНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси Ю. Ражабий номли «Мақом» ансамблининг хонандаси
**Қодиржон ТИЛЛАБАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

Республика Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти ва жамоаси марказ фуқаролик-ҳуқуқий фанлари кафедраси мудири, доцент Муҳиддин Саидаҳмедовга турмуш ўртоғи
**САЛИМАХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.